2012 йил 2 апрель, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 65 (12.126)

Баҳоси эркин нархда

**Пойтахтнинг бир куни**

***«Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус – 2012» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.***



## РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР ТАШАББУСГА УНДАЙДИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови мамлакатимизда кичик бизнесни, фермерлик ҳаракатини ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, мазкур соҳа вакилларини ҳар томонлама рағбатлантириш, янги марралар сари илҳомлантиришда муҳим омил бўлаётир. Мазкур танлов хусусий сектор вакиллари, фермер ва ҳунармандларнинг йилдан йилга ортиб бораётган салоҳиятини намоён этиш, энг яхши тажрибасини кенг оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

30 март куни «Туркистон» саройида «Ташаббус – 2012» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Республика «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мазкур беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

Иштирокчилар сафининг тобора кенгайиб бораётгани, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, рақобатбардошлиги замон талаблари асосида ошаётгани танлов нуфузини юксалтирмоқда, энг фаол тадбиркор ва фермерлар, уста-ҳунармандлар ўртасида соғлом рақобатни янада кучайтирмоқда.

Танлов иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар, ҳунармандчилик буюмларининг кўргазмасида ҳам бу жиҳатлар ўзининг яққол ифодасини топди. Унда тадбиркорларимиз томонидан замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган, жаҳон бозорида талаб юқори, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар намойиш этилди. Фермер ва ҳунармандларимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш саноатининг тобора равнақ топаётгани, қадимий анъаналар асосида оилавий тадбиркорлик, касаначилик ривожланаётганини ўз маҳсулотлари орқали яққол намоён этди.

Кўргазмада қатнашган истеъмолчилар, хорижлик меҳмонлар ҳамда танлов ҳайъати нафақат ички бозорда, балки экспортда ҳам юқори салоҳиятга эга бўлиб бораётган тадбиркорларимизнинг фаолиятига юксак баҳо бердилар.

Кичик бизнес бозор конъюнктурасига тез мослашади. Мамлакат иқтисодиёти, одамларнинг даромад манбаи барқарорлигини сақлашда, янги иш ўринлари яратишда мазкур соҳа муҳим ўрин тутади. Хусусан, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида, жаҳон бозорида рақобат кескинлашиб бораётган бир пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётимизнинг муттасил ўсишини таъминлашда, халқимиз ҳаётида улкан аҳамият касб этмоқда.

Катта имконият, имтиёз ва преференциялар берилаётгани мазкур соҳа ривожида кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилингани ҳамда махсус Давлат дастури амалга оширилгани ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайтирилди. Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашуви кескин қисқартирилиб, бу борада барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди. Жорий йилдан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз миқдорида белгиланди. Янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартиб-қоидалар янада соддалаштирилгани, тадбиркорлик фаолияти учун 2 кун ичида тегишли рухсат олиш имконияти ўз хусусий бизнесини очиш ниятида бўлган ҳар бир фуқарога кенг шароит яратмоқда.

(Давоми 2-бетда)

***Пойтахтимизда 30 март куни Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича бизнес-форум бўлиб ўтди.***

## ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, иқтисодиёт, нефть-газ, банк-молия, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, кимё саноати, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қурилиш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон-Хитой муносабатлари 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2011 йилда 2 миллиард 596 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 382 қўшма корхона, 65 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Хитой Халқ Республикаси тижорат вазирининг ўринбосари Цзян Яопин Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилганини алоҳида қайд этди.

– Хитой Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, – деди Цзян Яопин. – Биз, айниқса, савдо, сармоя, ахборот технологиялари каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз. Хитой ишбилармонларининг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқиши тобора кучайиб бораётгани жуда қувонарлидир.

Хитойнинг қирққа яқин компаниясидан вакиллар иштирок этган форумда меҳмонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар самаралари билан танишдилар.

Форумда икки мамлакат ўртасида иқтисодиёт, сармоя, савдо, энергетика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, машинасозлик ва электроника каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида, шунингдек, Жиззах вилоятида саноат паркини ташкил этиш бўйича қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди. Унда хитойлик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан биргаликда кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикрлашиб олдилар.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов сўзга чиқди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Ўзбекистон хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигида туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш масаласига бағишланган халқаро конференция ўтказилди.**

**● Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг пленумида 2011 йилда тизимда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.**

**● Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Миллий либослар» кўргазмаси ташкил этилди.**

**● Қарши шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури», Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг никоҳ ва суннат тўйлари ўтказилди.**

**● Андижон давлат тиббиёт институтида тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**

**● Нукус Санъат музейида Мустаҳкам оила йилига бағишланган кўргазма очилди. «Оила – энг бебаҳо бойлик» деб номланган мазкур кўргазмада таниқли мусаввирларнинг юзга яқин асарлари намойиш этилмоқда.**

**● Янгийўл туманида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлими учун қурилган барча қулайликларга эга, замон талабларига тўла жавоб берадиган янги бино фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда унинг вилоят бошқармаси томонидан барпо этилган мазкур объектда ФҲДЁ ходимлари учун қулай хизмат хоналари, никоҳларни тантанали қайд этиш учун зал ҳамда ёш оила қурувчилар ўртасида турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган «Оила дорилфунуни» мавжуд.**

### ЖАҲОНДА

**● Тунис маъмурлари мамлакатда жорий этилган фавқулодда ҳолат режимини апрель ойи охирларигача узайтиришга қарор қилишди.**

**● Украина Молдавияга электр қуввати етказиб беришни тўхтатди.**

**● Кеча Афғонистоннинг марказий қисмида рўй берган иккита портлаш натижасида беш киши ҳалок бўлди.**

**● Тюмендаги аэропортдан ҳавога кўтарилиш чоғида йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Ҳалокат натижасида ҳаётдан кўз юмганлар бор.**

**● Испанияда умуммиллий иш ташлаш жараёнини 80 фоизга яқин ишчи-хизматчилар қўллаб-қувватлади.**

**● Пентагон агарда КХДР фазога сунъий йўлдошини учирса, ушбу мамлакатга нисбатан ўз ёндошувини қайта кўриб чиқишини билдирди.**

**● Малайзия касалхоналарининг бирида юраги ва буйраги танасининг устки қисмида жойлашган қизалоқ дунёга келди. Шифокорларнинг айтишича, айни вақтда назорат остида бўлган чақалоқнинг органларини тананинг ички қисмига кўчириш жараёни анча мураккаб кечади.**

**● Сербия шимолида жойлашган тунгги клубда чиққан ёнғин натижасида олти киши ҳалок бўлди.**

## БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИДАН — ИШГА

***«Ўзэкспомарказ»да «JobFair – 2012» бешинчи ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари юбилей ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда қарийб 7 минг нафарга яқин талабгор ва Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатаётган юздан ортиқ компания иштирок этди.***

Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси кўмагида MyJob.uz ишбилармонлик тармоғи, «Карьера+» газетаси таҳририяти, «HRC» кадрлар билан ишлаш компанияси томонидан ташкил этилди.

Бундай тадбирларнинг долзарблиги Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларида йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилиши билан боғлиқ. Мазкур ярмарка корхоналардаги бўш иш ўринларини тўлдиришнинг энг мақбул йўли бўлиб, айнан шу ерда иш берувчи мавжуд бўш иш ўринларига керакли номзодларни танлаб олиш имконига эгадир.

Иш берувчи билан реал вақтда танишиш талабгор учун катта аҳамият касб этади. Негаки, унинг бўлажак иш берувчи билан биринчи суҳбатга таклиф қилишлари учун бир неча кун кутишига ҳожат қолмайди.

– Мен ушбу ярмаркага меҳнат бозорида таклиф этилаётган иш ўринлари билан танишиш мақсадида келдим, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг 4-босқич талабаси Шукрулло Жаҳонгиров. – Бу иш берувчи билан бевосита танишиш, ўз ғояларинг ҳақида фикр алмашиш ва, албатта, ишга жойлашиш учун ажойиб имкониятдир.

Бўш иш ўринлари ярмаркаси доирасида Ўзбекистонда илк бор унинг жорий йил 2-6 апрель кунлари бўлиб ўтадиган он-лайн версияси ишга туширилади.

**М.МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ўтказилган тадбир «Оила тинчлиги жамият мустаҳкамлиги ва фаровонлигини таъминлайди» деб номланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Фотосуратлар уйида очилган кўргазма халқаро ҳазил-мутойиба кунига бағишланди.

✓ **ЭРТАГА** «Ўзэкспомарказ»да «Озиқ-овқат саноати — World Food Uzbekistan — 2012» ва «Қишлоқ хўжалиги — Agro World Uzbekistan — 2012» халқаро кўргазмалари иш бошлайди.

# РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР ТАШАББУСГА УНДАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу секторга тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит ресурсларининг ҳажми ҳам йил сайин ошмоқда. Бу замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттириш, чекка қишлоқларда ҳам энг сўнгги моделдаги технологиялар билан жиҳозланган мини завод ва корхоналар ташкил этиш имконини бераётир. Натижада мазкур соҳа мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Мисол учун, 2011 йилнинг ўзида кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди, уларнинг ялпи экспортдаги улуши 16,3 фоизга етди.

«Ташаббус» кўрик-танловининг бу йилги туман, шаҳар, вилоят босқичларида етти минг нафардан ортиқ микрофирма, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхонаси, фермер хўжаликлари раҳбарлари, ҳунармандлар, халқ амалий санъати усталари иштирок этди. Уларнинг барчаси барқарор фаолият кўрсатаётган, юқори кўрсаткичларга эришиб келаётган субъектлардир.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасидан маълум қилишларича, бу йилги танловда ҳам импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйган, чорвачилик ва бошқа сердаромад соҳаларда юқори натижаларга эришаётган фермерлар кўпчиликни ташкил этган. Кўрик-танловнинг қуйи босқичларида қатнашган тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг аксарияти ўз фаолиятига замонавий, илғор усулларни татбиқ этаётган ишбилармонлар экани, айниқса, эътиборга молик. Танлов номинациялари орасида ёшларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани ёш ишбилармонлар, тадбиркорликни бошлаётган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини янги ташаббусларга ундамоқда.

«Ташаббус – 2012» танлови ғолибларининг номлари эълон қилинди.

Уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари – «Spark» автомобиллари тантанали равишда топширилди.

– Тадбиркорлик билан шуғулланишимиз учун Президентимиз ташаббуси билан улкан имкониятлар яратиб берилаётгани бизнинг фаолиятимизда ҳам муҳим омил бўлмоқда, – дейди «Энг яхши тадбиркор» йўналишида ғолибликни қўлга киритган Жиззах шаҳридаги «Jizzax-Kuhinur» хусусий корхонаси раҳбари Холисхон Бобоева. – Ана шундай эътибор самарасида мулкдор бўлдик, юртимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшяпмиз, оиламиз фаровон. Корхонамиз пиллани қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, бир неча турдаги адрас, атлас ва бошқа ипак маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдамиз. Корхонамизда ҳозир 120 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, коллежларни битирган эллик нафар қиз ҳунар ўрганиб, ишимизга ёрдам бермоқда. Келгусида пиллани юз фоиз қайта ишлаб, экспортга ярим тайёр маҳсулотлар чиқармоқчимиз.

Фермерлик ҳаракатининг тобора ривожланиши натижасида бугун фермерлар етиштирган маҳсулотини қайта ишламоқда, қишлоққа саноатни олиб кирмоқда. «Ташаббус – 2012» танловининг «Энг яхши фермер» йўналишида бош совринни қўлга киритган Қарши туманидаги «Бахт» фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холёров ўз фаолиятини шу асосда ташкил этган. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликда 600 бош қорамол парваришланиб, сутни қайта ишлаш йўлга қўйилган. Айни пайтда аҳолига тўққиз турдаги сифатли сут маҳсулотлари етказиб берилаётир.

«Энг яхши ҳунарманд» йўналишида Фарғона вилояти Риштон туманида яшовчи ҳунарманд Мирзомасхар Акромов ғолиб деб топилди. Ҳунарманд яратаётган ўттиз турдан ортиқ бежирим безаклар берилган кулолчилик маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур.



«Ташаббус – 2012» танлови совриндорларига диплом ҳамда мукофотлар топширилди. Қўлга киритилган ғалаба уларга халқаро танловлар, ярмаркалар, семинарларда иштирок этиш ҳуқуқини, ўз йўналишлари бўйича чет элда малака ошириш имкониятини беради.

«Ташаббус – 2012» кўрик-танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Давлат божхона қўмитаси томонидан «Божхона органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни татбиқ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар. Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимлари фаолиятининг соҳада тутган ўрни» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.***

# ЯГОНА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

Бугунги кунда республикамизда ахборот технологияларини давлат идоралари, хусусан, божхона органлари фаолиятига жорий этиш ва ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунки, республикамизнинг ташқи иқтисодий алоқалари кенгайиши боис чегараларимиз орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситалари сонининг ҳам ошиб бориши божхона органлари фаолиятининг соддалаштирилишни талаб этади.

Матбуот анжуманида сўзга чиққанлар божхона органлари фаолиятига ахборот технологияларини жорий этишдан кўзланган асосий мақсад, бу божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнларини тезлаштириш ва уларда шаффофликка эришиш, товарларни тўғри декларациялаш ҳамда божхона тўловларининг давлат бюджетига тўлиқ ундирилишини таъминлаш эканлиги таъкидланиб, божхона органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини татбиқ этишда Давлат божхона қўмитасининг ягона ахборот узатиш тармоғини ва автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш, маълумотлар хавфсизлиги ва уларни муҳофаза қилиш тизимини йўлга қўйиш ҳамда божхона комплекслари ва постларини замонавий божхона назорати техник воситалари билан таъминлаш каби йўналишларни амалга ошириш кераклиги юзасидан асосий вазифалар белгилаб олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Давлат божхона қўмитаси ягона автоматлаштирилган ахборот тизими бир қатор хорижий давлатлар божхона хизматларида ахборот тизимларини жорий қилиш тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда амалиётга жорий қилинмоқда. Божхона ходимларининг ДБҚ ЯААТдан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзога асосланган USB–калитлар ҳам амалиётга киритилди. Шунингдек, барча дастурий таъминотлар миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган бўлиб, уларнинг 11 тасига Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида давлат ахборот тизимлари сифатида гувоҳномалар олинган. Жорий қилинган автоматлаштирилган ахборот тизимлари божхона ходимларининг иш фаолиятида муҳим ва асосий воситага айланган бўлиб, бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Жумладан, божхона расмийлаштирувини соддалаштириш, ташқи савдо иштирокчилари ва божхона ходимлари учун қулайликлар яратиш, божхона қоидалари бузилиш ҳолатларини аниқлаш ва контрабандага қарши курашиш, давлат бюджетини тўлдириш ва божхона тўловлари йиғилувчанлигини оширишга қўшаётган ҳиссаси ҳамда Президентимизнинг 2011 йил августдаги Қарори асосида «Электрон декларациялаш», «Ягона оила», «Хорижий давлатлар божхона органлари ахборот тизимлари билан маълумот алмашиш», «Халқаро автомобилда ташувчилар иттифоқи билан ахборот алмашиш» каби ахборот тизимларини жорий қилиш ишлари олиб борилаётганлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими, шунингдек, соҳага жорий қилинаётган ахборот технологиялари мамлакатимизда божхона назоратини ташкил этишнинг асосий механизмига айланиб, юртимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида божхона тизимининг тобора ортиб бораётган вазифаларини амалга оширишнинг сифат жиҳатдан янги босқичини бошлаб берди.

Тадбир давомида йиғилганлар нафақат мавзу юзасидан, балки божхона соҳасига доир бошқа масалалар бўйича ҳам ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

**Нигора БОЙХЎЖАЕВА**

# ТУРИЗМ: ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

***Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.***

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳамда унинг қошидаги Республика илмий-ўқув консалтинг маркази, «Туризм» кафедраси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда турли сайёҳлик ташкилотлари, вазирлик ва қўмиталар, дипломатик корпус вакиллари, университет мутахассислари иштирок этди.

Анжуманда туризмни янада ривожлантириш, туристик тармоқ имкониятларини кенгайтириш орқали юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар сонини ошириш, хориж туризм тажрибасини ўрганиш, олий ўқув юртлари ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, соҳада янги иш ўринларини ташкил қилиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Туризм жаҳон иқтисодиётда етакчи тармоқлардан бири бўлиб, дунё ялпи ички маҳсулотининг асосий қисмини ташкил этади. Мамлакатлар иқтисодиётига хорижий валюта тушумини, тўлов балансини таъминловчи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асоси бўлган туризм йилдан-йилга ривожланмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, соҳанинг ривожланиши нафақат мамлакат иқтисодиёти ривожига, балки янги иш ўринлари яратишда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

— Давлатимиз томонидан туризм соҳаси нуфузини оширишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент Давлат иқтисодиёт университети стажёр-тадқиқотчиси Шаҳноза Орифжонова. — Туризм индустриясида меҳмонхоналар ва туристик фирмаларнинг ўрни беқиёс. Тадқиқотчи сифатида туристик фирмалар ва меҳмонхоналарнинг маркетинг стратегияси устида иш олиб боряпман. Бу соҳанинг иқтисодий самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда Ўзбекистон ва хорижий давлатларда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлашда эришилган ютуқлар, кадрларни ўқитиш тизимида малака алмашиш ва туризм секторида босқичма-босқич давлат ташкилотларини қисқартириш, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ролини ошириш масалалари таҳлил қилинди. Шунингдек, туризм соҳасидаги инновацион лойиҳалар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

# МЕБЕЛЬ САНОАТИ: САРҲИСОБ ВА ИСТИҚБОЛ

***Миллий матбуот марказида мебель саноатини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ва маҳаллий хомашё материалларидан ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби мебель саноати ҳам жадал ривожланди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида мебель ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар сони кўпайди. Жумладан, 2003 йилда мебель ишлаб чиқариш ҳажми 28,1 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йил ушбу кўрсатгич 160,3 миллард сўмни ташкил этди. 2011 йилда эса мебель ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 11,8 фоизга ошган.

Тадбирда мебель саноатини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун мамлакатимизда мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, мебель ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хомашё ва бутловчи материаллар учун божхона йиғимларининг оптимизациялашуви, бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари ва акциз солиғининг пасайтирилиши, соҳа вакиллари учун солиқ тўлови енгилликлари ва преференцияларининг киритилиши соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этаётир.

— Айни пайтда юртимизда мингдан зиёд мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда, — дейди «Файз» холдинг компанияси бошқарув раиси ўринбосари Фурқат Баратов. — Компаниямизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати, харидоргирлиги ҳамда пишиқлиги билан ажралиб туради. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган мебель саноатининг 15 фоизи «Файз» холдинг компанияси ҳиссасига тўғри келади. Компания тизимидаги 23 та корхонада мингдан зиёд ишчи фаолият юритади. 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан кенг фойдаланилади. Бу борада анъанавий ўтказилиб келинаётган кооперацион биржа, халқаро кўргазма-ярмаркалари муҳим аҳамият касб этаётир. Компанияда мебелдан ташқари, уй-рўзғор буюмлари, ярим фабрикат маҳсулотлар, қипиқли ва толали плиталар, ДСП, ДВП, МДФ маҳсулотлари ҳам тайёрланмоқда.

Тадбирда мебель ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий ва рақобатбардош маҳаллий мебелларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

**«Туркистон-пресс»**

***Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу борада муҳим юридик ҳужжат-жамоа шартномалари лойиҳада алоҳида ўрин эгаллайди. Ёқилғи- энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги корхоналарда ҳам бу йўналишда муайян ишлар қилинмоқда.***

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

Тармоқ тизимидаги «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясига қарашли корхоналарнинг бошланғич касаба уюшма ташкилотларида жамоа шартномаларининг бажарилишини таъминлаш ва унинг таъсирчанлигини кучайтириш борасида тегишли ишлар бажарилган. Аксарият корхоналар жамоа шартномаларининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси талабларига, тармоқ касаба уюшма Марказий Кенгаши билан тегишли тармоқлар ўртасида тузилган тармоқ келишувларига мувофиқлиги таъминланган. Жамоа шартномалари тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан экспертизадан ўтказилиб, рўйхатга олинган.

Корхоналарнинг бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида касаба уюшма қўмиталарининг иш режасига мувофиқ жамоа шартномалари муҳокама қилиб борилган. Жамоа шартномалари таҳлилига кўра, унда кўзда тутилган мажбуриятлар ва имтиёзларни корхона ва ташкилотларда асосан бажарилишига эришилган. Жумладан, корхоналарда иш ҳақини ўз вақтида тўлаш бўйича қарздорликка йўл қўйилмаган, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича жамоа шартномасида кўзда тутилган барча тўловлар ўз вақтида тўланган, ходимларга асосий ва қўшимча меҳнат таътиллари ўз вақтида берилган. Аксарият корхоналарда жамоа шартномаларига ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар, аёллар ва ёшлар учун қонунчиликда белгиланган имтиёз ва кафолатлардан ташқари қатор қўшимча имтиёзлар киритилишига эришилган. «Махсусэнергогаз» очиқ акциядорлик жамиятида жамоа шартномалари орқали 100 нафардан зиёд касаначилар иш билан таъминланган, 45 та янги иш жойлари яратилган. «ЎзЛИТИнефтгаз» очиқ акциядорлик жамиятида 48 та янги иш жойлари ташкил қилинган. «Ўзнефтгазинформатика» очиқ акциядорлик жамиятида 14 нафар касаначилар иш билан таъминланган. Корхоналардаги ишловчи касаначилар билан меҳнат шартномалари тузилиб, улар касаба уюшма аъзолигига қабул қилинган. «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институтида хизмат сафаридаги бир кунлик меъёр Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида қилиб белгиланган. «Ўзнефтгазназорат» корхонасида кўп йиллар мобайнида қилган хизмати учун 192 нафар ходим моддий жиҳатдан рағбатлантирилган. Корхона ва ташкилотларда ўртача иш ҳақи 676 минг сўмни ташкил этади. Жамоа шартномаларининг ижросини таъминлаш борасида «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясига қарашли корхона ва ташкилотларда иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик доирасида сезиларли ижобий натижаларга ва йил сайин ўсишларга эришилмоқда.

Ёшларни иш билан таъминлаш, корхоналарда халқимизга хос бўлган миллий қадриятлардан «Усто-шогирд» тизимини кенг йўлга қўйиш долзарб вазифалардан бири бўлиб, бу борада Тошкент шаҳар ёқилғи-энергетика мажмуи,кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши тизимидаги корхоналарда муайян ишлар қилинмоқда.Жумладан, «Ўзтрансгаз» акционерлик компаниясида коллеж талабаларидан 248 нафари амалиёт ўтаб, уларга компания томонидан ойлик маош тариқасида 8 миллион 59 минг сўм, овқат пули учун 4 миллион 59 минг сўм маблағ тўланди. Мазкур компанияда амалиёт ўтаган коллежнинг 21 нафар ўқувчисига компания касаба уюшма қўмитаси томонидан 240 минг сўмдан зиёд, ишга қабул қилинган 32 нафар ўқувчига эса 915 минг сўмдан ортиқ миқдорда моддий ёрдам берилди. Тошкент электр тармоқлари корхонасида коллеж талабаларидан 46 нафари ишга қабул қилинди. Корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан 4 нафар ўқувчига 114400 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. «Ўзбекэнерготаъмир» очиқ акционерлик жамиятида коллеж ўқувчиларидан 19 нафари амалиёт ўтди, 3 нафар ўқувчи ишга қабул қилиниб, бириктирилган устоз раҳбарлигида касб сирларини ўрганиб, меҳнат қилмоқдалар. Корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган битта талабага 20 минг сўм миқдорида моддий ёрдам берилди. Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини жамоа шартномалари орқали ҳимоялаш борасида бор имкониятларни ишга солиб, куч-ғайратимизни аямаймиз.

**Нодира ХИДИРОВА,**
**Тошкент шаҳар ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши раиси**

# Маҳаллангг — ота-онанг

## 2011 йил — Мустаҳкам оила йили

# ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

***...Тўй — ҳар бир оила учун энг қувончли кунлардан бўлиб, умрбод ёдда сақланиб қолади. Унинг ўзига яраша хайрли ташвишлари ҳам бор. Буюмлар харид қилиш, тадбирни ўтказиш учун сарф-харажат талаб этилади. Баъзан моддий етишмовчилик сезилиб қолади. Шундай пайтда қавм-қариндошлар, қўни-қўшнилар, маҳалла-кўй қараб туришмайди, баҳоли қудрат кўмаклашишади.***



Бу гал ҳам шундай бўлди. И.Раҳимов кўчаси 2/6 уйда яшовчи М.Исмоиловлар хонадонида тўй бўлганида Олмазор туманидаги «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари оилага катта мадад беришди. Шу ҳудудда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг ҳомийлигида бир миллион сўмга мебель жиҳозлари сотиб олиниб, оила аъзоларига тўёна қилинди.

Тўй ва бошқа маросимлар тилга олинганида маҳалла фаолларининг яна бир ибратли ишини таъкидлаш жоиз. Ёлғиз онаси билан яшовчи Михаил Топчиев хонадони кам таъминланган оилалар сирасига киради. Унинг никоҳ тўйини ўтказиб беришни тўлиғича маҳалла ўз зиммасига олди. Бунда ҳам тадбиркорлар ҳомийлигига таянилди. Улар томонидан ажратилган каттагина маблағ ҳисобига маҳалла ҳудудида жойлашган кафеда тўй хурсандчилик билан ўтказилди. Шу тариқа яна бир янги оилага асос солинди.

Бу каби эзгу ишларни кўз олдимизга келтирар эканмиз, халқимизнинг «Маҳалла — отанг, онанг», деган ҳикмат жуда топиб айтилганлигини англаймиз. Маҳалла фуқаролар йиғинининг Абдухолиқ Воҳобов раҳбарлик қилиб келаётган кейинги уч ярим йиллик фаолиятига назар ташласак, кўплаб намунали ишлар бажарилаётганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Маҳалла ҳудудини обод қилиш, кўкаламзорлаштириш, аҳоли учун зарур шарт-шароитлар яратиш, маданий-маиший тадбирлар ўтказиш диққат марказида бўлиб келмоқда. Энг аввало, фуқаролар тез-тез қадам ранжида қиладиган маҳалла гузари дид билан таъмирланди, дарахт ва гул кўчатлари ўтказилиб, кўркам қилинди. Маънавият ва маърифат хонаси зарур анжомлар билан жиҳозланди. Гузарда ва яна икки жойда озиқ-овқатлар, кундалик эҳтиёж буюмлари билан савдо қилинадиган дўконлар очилди. Бу аҳолини шундай маҳсулотларни харид қилиб келиш учун узоқ жойларга бориш ташвишидан халос этди. Маҳалла гузаридаги новвойхона таъмирланиб, иш миқёси кенгайтирилди. Бу саъй-ҳаракатлар кишиларнинг маҳалла бошқаруви, маслаҳатчилар ва барча фаолларга бўлган ҳурмат-эътиборини оширди.

Буни фуқаролар маҳалла оқсоқолига, унинг сафдошларига ўз қувонч-ташвишлари билан бемалол мурожаат эта олишларида, ўз мададларини таклиф этишларида, кўмак керак бўлиб қолган ҳолатларда ҳеч тортинмай идорага кириб келишларида ҳам кўриш мумкин. Бундай очиқ мулоқотнинг самараси сифатида фуқаролар ўртасидаги аҳил-иноқлик янада кучайди, меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланди. Фикримизни тасдиқлаш учун маҳалла ҳаётига тааллуқли бир мисол келтирамиз. Орифхон Хотамов кўчаси, 56-уйдаги оила аъзолари кўпайганлиги боис хоналар етишмаётганлиги, ҳовли деворлари нураб, путурдан кетганлигини ҳисобга олган МФЙ бошқаруви бу масалани ҳал этишда ҳам тадбиркорлар ҳомийлигига таянди. Уларнинг кўмаги билан тўртта қўшимча хона қурилиб, етмиш метрлик ҳовли девори ғишт билан ўраб берилди. Ана шу мадад туфайли хонадондаги барқарорлик таъминланди.

— Оилаларни қўллаб-қувватлаш билан бирга ҳудудимиздаги мактаб, мактабгача таълим муассасаси ва бошқа муассасалар биноларини таъмирлаш, моддий жиҳатдан кўмак беришга ҳам алоҳида аҳамият беряпмиз, — дейди «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдухолиқ Воҳобов. — Жумладан, 315-мактаб хоналари, 77- мактабгача таълим муассасаси таъмирланди, болалар спорт майдончаси учун уч миллион сўм сарфланди. Олти минг квадрат метрдан иборат маҳалла кўчалари асфальтланди. Уч ярим йилда ободонлаштириш ва хайрия тадбирларига 217 миллион сўм йўналтирилди. Бу маблағлар қандай манбалар ҳисобидан сарфланмоқда, деган савол туғилиши табиий. Маҳалламиз ҳудудида 14 та корхона бўлиб, уларнинг аксарияти шу ерда яшовчи хусусий тадбиркорларга тегишли. Бундан ташқари маҳалламизда қўли очиқ, меҳр-мурувватли ўнлаб ишбилармонлар яшашади. Аъзам Аширов, Алишер Позилхонов, Жўрабек Мажидов, Тоҳир Юсупов, Асомиддин Позилхонов, Ғайратжон Лутфуллаев ва бошқа кўплаб сахий тадбиркорлар ҳомийлик ёрдами кўрсатиб, маҳалламиз аҳлини қўллаб-қувватлашни, ҳудудимизни обод қилиб, гуллаб-яшнатишни ўзларининг инсоний бурчлари деб биладилар. Имкониятлардан фойдаланиб, уларга маҳалладошларимиз номидан миннатдорлик билдираман.

Президентимиз ташаббуси билан маҳаллага ўзини-ўзи бошқариш органи мақоми берилганлиги боис фаолиятимизни шунга асосланган ҳолда олиб боряпмиз. Ҳар бир жабҳада шу тамойилга таяниб иш кўряпмиз.

Дарҳақиқат, маҳалла бошқарувининг қайси бир йўналишига назар ташламанг, ўзини-ўзи бошқариш ҳисобига кўзга кўринарли натижаларга эришилаётганлигини кўрасиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш алоҳида эътибор берилаётган масалалардан бири. Маҳалла ҳудудида «Абдужалилхон», «Дил ва Азиз» ва бошқа корхоналарнинг мавжудлиги ғоят қўл келмоқда. Маҳалла бошқаруви ва корхоналарнинг раҳбарлари ишчи-хизматчиларни имкон қадар шу ҳудудда яшаётган аҳоли орасидан танлаб олиш бўйича бир тўхтамга келганлар. Бу икки томонга ҳам манфаатлидир. Ана шу ёндашув кутилган натижани бераётганлигини тикувчилик ва кафель ишлаб чиқаришга ихтисослашган ЛТД «Азия вест» корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда 90 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг ярмидан кўпини «Аҳил» маҳалласида яшовчи кишилар ташкил этади.

Етти ярим минг киши яшаётган, 1200 дан зиёд оилани ўз сафига бирлаштирган бу маҳаллада эришилаётган барча натижалар ҳар бир тадбир ҳамжиҳатлик билан, бамаслаҳат олиб борилаётганлиги самарасидир. Бунда раиснинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Айимжон Давлетова, фаоллар ва кўчабошилардан Абдувоҳид Умрзоқов, Одил Маҳмудов, Ботир Қосимов, Музаффар Тожихонов, Олим Аҳмедов ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўляпти.

Маҳаллада амалга оширилаётган ибратли ишлар туман, шаҳар миқёсида доимо эътироф этиб келинмоқда. «Аҳил» маҳалласи 2010 ва 2011 йилларда Олмазор туманида ўтказилган кўрик-танловнинг «Энг намунавий маҳалла» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Худди шу йилларда қаторасига икки марта «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг иккинчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «...Мустаҳкам оила» деган ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёсдир», деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу эътироф маҳаллалар фаолларини руҳлантириб, Мустаҳкам оила йилида зиммаларидаги масъулиятни янада оширди ва уларни ўз фаолиятларини такомиллаштириб боришга ундамоқда.

**Сунната САЙДАЛИЕВ**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

# МУЛЬТИМЕДИАЛИ ТАЪЛИМ

***Маълумки, ўқув машғулотларида замонавий технологиялардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Бинобарин, ёшларни малакали мутахассислар қилиб тайёрлашда фақат анъанавий услубларга таяниб дарс ўтиш етарли эмас.***

Республикамиздаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабаларининг билим даражасини ошириш мақсадида автоматлаштириш ва интерактив хизмат кўрсатиш тизимлари яратилди. Ёшларни қизиқтириш ва жалб қилиш учун «интерактив» сўзига «мультимедиа» сўзини қўшиш ҳамда таълимда мультимедиали интерактив ўргатувчи дастурий мажмуа юзага келди. Мультимедиада маълум бир мавзу доирасида аудио ва видео лавҳалари акс эттирилиб, унга матн ёзувлари ҳам сингдирилмоқда. Масалан, Қомусий шаклда тузилган «Ал-Фарғоний ва Ал-Бухорий: цивилизациянинг яратилиши» мультимедиасида жамланган материаллар мазмун-моҳияти жиҳатидан миллий истиқлол ғоясига мос келади. Дарсларни ноанъанавий услубда ўтишнинг бундай шаклидан барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқув дарсларида ҳам фойдаланиш кўзда тутилган. Бундан ташқари Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежида мультимедиа дастурларидан «Маънавият ва маърифат» дарсида фойдаланиш мумкин. Эътиборли томони шундаки, ўқувчи бу машғулотлар орқали фанни чуқурроқ ўзлаштиради, зарур маълумотларни тўлиқ ва аниқ олади. Мультимедиа тизимида ўқувчилар шахсан ўзлари товуш ва видеотасвир ёрдамида дастурларда қатнашиш имкониятига эга бўладилар.

**Акбар АЛИЕВ**

***Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан соғлом турмуш тарзи ва спорт билан шуғулланишнинг оммавийлигини ошириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилмоқда.***

# СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган болалар майдончаларини реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳрида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда бир қатор спорт-соғломлаштириш мажмуалари барпо этилмоқда. Уларда спорт объектлари, болалар майдончалари, машиналар турар жойлари, ота-оналар дам олишлари учун ўриндиқлар ташкил этилмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Наврўз» маҳалласида мана шундай спорт-соғломлаштириш масканларидан бири жойлашган. Объектларни қуриш ва жиҳозлаш бешта фирма зиммасига юклатилган бўлиб, улардан бири «Bethil – tich trans» масъулияти чекланган жамиятидир. Ушбу жамият томонидан спорт-соғломлаштириш объектлари қуриб фойдаланишга топширилди. Улар спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланди. Фирма томонидан қурилиш, ҳудудларни мунтазам тозалаш ишлари йўлга қўйилди.

– Маҳалламизда 7 минг 800 нафар киши истиқомат қилади, уларнинг қарийб 3,5 минг нафари – ўн олти ёшгача бўлган болалардир, – дейди «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳад Раҳматов. – Яқин-яқингача улар худди мана шу ерда, лекин бутунлай бошқача шароитда ўйнар эдилар. Энди бизда ҳам фарзандларимиз ўз ота-оналари билан биргаликда спорт билан шуғулланадиган ёки дам олиб ўтирадиган ажойиб маскан бор. Ҳашар кунлари биз бу ерда ободонлаштириш ишларини олиб бордик.

Энди ҳар куни мана шу ерда кўплаб оилаларнинг жамулжам бўлганини кўриш мумкин. Болалар футбол ўйнайди, теннис сирларини ўрганади. Бу ерда ўйнаётган, машқ қилаётган, ўтказилаётган мусобақаларда ўз дўстларини олқишлаётган турли ёшдаги болаларни учратасиз. Уларнинг хавфсизлиги нафақат ота-оналар, балки қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан ҳам таъминланади.

Спорт мажмуасида барча зарур шароитлар яратилган. Сунъий қопламали футбол майдончаси ва унинг атрофида югуриш йўлакчалари, теннис корти, баскетбол майдончаси ва кичик ёшдаги болажонлар учун ўйин жойлари мавжуд. Истаган киши ўзи хоҳлаган анжомни олиб, ундан фойдаланиши мумкин. Ҳозир бу ерда шовқиндан ва офтобдан ҳимояланишга хизмат қиладиган манзарали ва мевали дарахтларни экиш ишлари олиб борилаётир.

– Менинг кўп вақтим ишда ўтади, аммо тез-тез фарзандларимни бу ерга олиб келиб, қўшни болалар билан биргаликда футбол ўйнаб турамиз, – дейди Абдулла Эргашев. – Шу тариқа соғлом турмуш сари интиламиз.

Майдончага қўшни маҳалла ва мавзелардан ҳам болалар келишади, бу ерда махсус ёритиш тизими ўрнатилган бўлиб, кеч тушгандан кейин ҳам ҳаёт қайнайди.

Шу кунларда бу ерга яқин жойда яна битта спорт-соғломлаштириш майдончаси қурилиши бошланди.

**Р.БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

# ТЎЙ ВА МАРОСИМЛАРИМИЗ ИХЧАМЛИГИ ЙЎЛИДА

## жамоатчилик Кенгаши тавсиялари

*«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими қошида тузилган «Жамоатчилик кенгаши» маҳаллаларимиздаги ижтимоий маънавий муҳитни янада яхшилаш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, уларни диний экстремистик оқимлар таъсиридан сақлаш, ёшларимиз онгига «Оммавий маданият»ни сингдиришга уринишларга қарши маърифий тадбирларни ўтказиш каби эзгу ишларга бел боғлади. Ана шундай йўналишлардан бири шаҳримиздаги тўй-ҳашам, маъракалардаги ортиқча дабдабабозликнинг олдини олиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик борасидаги ишлардир.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги Фармонида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда манманликка берилган шахслар томонидан халқимиз урф-одатларини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилишга уриниш ор-номусли одамларнинг ғашига тегаётганлиги таъкидланган эди. Фармон қабул қилинганидан кейин оилавий тантана ва маросимлар анча ихчамлашгани халқимиз томонидан мамнуният билан эътироф этилди. Ҳозирги кунга келиб баъзан яна дабдабабозлик ва исрофгарчилик ҳолатлари учраб қолаётганини эътиборга олиб «Жамоатчилик кенгаши» томонидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.*

### *«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳузурида ташкил этилган «Жамоатчилик кенгаши» томонидан тавсия этилаётган «Никоҳ тўйи» билан боғлиқ тадбирлар*

1. Унаштириш маросимида келин хонадонида ҳар иккала тарафдан 2-3 нафардан жами 4-6 киши иштирок этади. Халқимиз урф-одатига кўра нон (патир) ушатилиб, ёшлар унаштирилади. Тўй куни белгиланади.

2. Келин тараф юртга ош беради. Соат 7.00 — 8.00 лар ораси энг маъқул вақт деб белгиланди. Маросимда ҳар иккала тарафдан жами 200-300 кишигача иштирок этади (куёв навкарлар ҳам шу ерда кутилади).

3. Куёв тараф «Никоҳ кечаси»ни уюштиради. Кечада ҳар иккала тарафдан 200 кишигача иштирок этади. Кечада бир гуруҳ санъаткорлар қатнашиб, «бирров» кетиб-келадиган қўшиқчилар бўлмайди. Шарқона одатларимизга зид бўлмаган замонавий кийинган келин-куёв ортиқча дабдабасиз ФҲДЁ ходимлари томонидан қонуний никоҳдан ўтказилади. Шу ернинг ўзида «Келин салом» маросими бўлади. Кеча уч соатгача давом этади (18.00 дан 21.00 гача). Дастурхонга 2-3 хилдан ортиқ таом тортилмайди. Спиртли ичимликлар ҳам ҳаддан зиёд бўлишига йўл қўйилмайди.

Келин-куёвнинг тўйхонага келиб-кетишлари битта автомашинада «навкарлар» сиз амалга оширилади.

«Никоҳ кечаси»дан сўнг қудалар ўзаро келишиб, икки томонга қулай вақтда оилавий (фақат оила аъзолари) қудалариникига ташриф буюрадилар.

**Изоҳ:** Келин-куёв тараф келишган ҳолда ёшларнинг яшаш шароитларини ортиқча дабдабасиз яратиб берадилар.

«Ош» ва «Никоҳ кечаси» маросимларини ҳар икки томон келишган ҳолда бирга ташкил этишлари мумкин.

### *«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳузурида ташкил этилган «Жамоатчилик кенгаши» томонидан «Марҳумларни хотирлаб ўтказиладиган маросимлар» юзасидан тавсия этилаётган тадбирлар*

1. Жаноза ўқилгач, уч кунгача дастурхон безатилмаган ҳолда «Фотиҳагарчилик» ташкил этилади.

2. Марҳумнинг оила аъзоларига қулай вақтда яқин кишилар учун «Эҳсон» маросими (20-30 киши иштирок этади) ўтказилиб, битта таом тайёрланади. Дастурхон ортиқча дабдабасиз безатилади. Қуръон тиловат қилиниб, марҳум ҳақига дуо ўқилади. Шу билан барча маросимлар тугайди.

**Изоҳ:** Агар оила аъзолари марҳумни хотирлаб саховатпешалик қилмоқчи бўлсалар маҳалладаги, қариндошлари ёки меҳрибонлик, мурувват уйлари тарбияланувчиларига мурувват кўрсатишлари тавсия этилади.

Албатта бу намунавий тўй-маъракалар тарбиявий аҳамиятга эга. Лекин туманлар ва маҳаллалардаги учрашувлар шуни кўрсатдики бу таклифлар халқимиз томонидан жуда яхши кутиб олинмоқда. Агар ҳамма жойда мана шу борадаги фаолиятимизни янада жонлантирсак, халқимиз томонидан фақат раҳмат эшитишимиз, шубҳасиз.


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**I. Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 27 июндаги 10-1117/7082-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, А.Толстой кўчаси, 23-уй манзилидаги, умумий ер майдони 592 кв.м бўлган, майдони 555 кв.м бўлган 4 қаватли бинонинг биринчи қаватида жойлашган маъмурий бино қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 573 583 679,31 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 4 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 2 май куни соат 18:00.

**II. Шунингдек, 2012 йил 19 апрель куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулк такроран қўйилмоқда:**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2011 йил 18 январдаги 1-172/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, А.Ҳидоятов кўчаси, 24-уй, 2-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 42,0 кв.м бўлган, офис ва савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 48 676 000 сўм.**

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 17 апрель куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

**3-сон трамвай-троллейбус депоси**

трамвай ҳайдовчилари ва чиптачиларни

**ишга таклиф қилади**

**1.Трамвай ҳайдовчисининг** ўртача ойлиги 404.000 сўм

**2.Трамвай чиптачисининг** ўртача ойлиги 307.000 сўм.

**Трамвай** ҳайдовчиси ўқиш курсига 21-35 ёшларда бўлган, Тошкент шаҳрида рўйхатда турган фуқаролар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 6 ой, ўқиш пайтида стипендия тўланади.

**Манзил:** Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3-А уй.

**Тел. 263-28-97**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган «Master Cattle Raiser» МЧЖси «Baha Invest Group» МЧЖ таркибига қўшилаяпти. Эътироз ва даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Навоий кўчаси, 7-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Ҳамза туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2008 йил 11 февралдаги 001687-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган, «2521-Автожамланма» давлат унитар корхонаси (СТИР 200524093), тугатилади.

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари — 2 ой муддатда 353-12-13 телефони орқали қабул қилинади.

***Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент Кимё-технология институти талаба-қизлари ўртасида Наврўзи олам байрами ҳамда «Мустаҳкам оила йили»га бағишлаб «Кимёгар маликалар — 2012» кўрик-танлови ўтказилди.***

**Ўқув масканларида**

## КИМЁГАР МАЛИКАЛАР КЎРИГИ

Тўрт йилдан бери институт миқёсида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган ушбу танлов миллий урф-одатларимиз ва авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган қадриятларимизга ҳурмат билан қараш, уларни эъзозлаш ва тарғиб қилиш, асраб-авайлашга қаратилгандир.

Танловнинг фасллар ичида ўзининг зеболиги, кўркамлиги билан ажралиб турадиган баҳорда ўтказилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Қизларимизни келажакда сариштали уй бекаси, садоқатли рафиқа, меҳрибон она ва жамиятимизнинг асосий таянчлари этиб тарбиялашда муҳим омил ҳисобланади.

Тадбирда ноорганик моддалар технологияси факультетининг «Зебо», менежмент ва касб таълими факультетининг «Келажак юлдузлари», озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи ишлаб чиқариш ва органик бирикмалар технологияси факультетларининг «Коҳинур» ва «Мафтункор кимёгарлар», талабалар турар жойининг «Гулдаста» деб номланган гуруҳлари иштирок этди.

Танишув, «Қайнонам онам менинг, келиним болам менинг» ва бадиий қисмдан иборат шартларни бажаришда талаба қизлар ўзларининг бор маҳоратларини намойиш этдилар. Зукколик, нафислик, хушмуомалалик, чаққонлик каби дилбар сифатларини кўрсатган қизлар танловнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишини таъминладилар. Ўзбек миллий рақслари ижроси ҳам танловга кўтаринки кайфият бағишлади.

«Кимёгар маликалар» кўрик-танлови ғолиб жамоалари институт раҳбарияти томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда совғалар билан тақдирланди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**







## ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ АЙЁМ

***Юртимизга Наврўз айёми кириб келиб, қалбларни қувончга тўлдирди, кўнгиллардаги гина-ғуборларни ювиб кетди. Ана шундай хислатга эга бўлган Наврўз байрами ҳар йили мамлакатимизнинг турли ҳудудларида кенг нишонлаб келинади.***

Яқинда Юнусобод тумани ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши, шунингдек, туманда жойлашган корхона-ташкилотлар ва таълим муассасалари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида «Туркистон» саройида «Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!» мавзуида хайрия байрам тадбири ўтказилди. Байрам туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда Ногиронлар жамияти аъзолари иштирокида ўтди.

Бундай байрам тадбирлари миллий қадриятлар ва урф-одатларни ҳурмат қилишга, эъзозлашга ундайди, кишиларни эзгуликка чорлайди.

Тадбирга йиғилганлар латофатли куй-қўшиқ ва рақслардан баҳраманд бўлиб, мириқиб дам олишди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**

***Ўзбекистон тасвирий санъати галериясида очилган кўргазма «Шакллар ва қирралар» деб номланди.***

**Кўргазмалар**

## ШАКЛЛАР ВА ҚИРРАЛАР

Мазкур кўргазмада Ўзбекистон замонавий ҳайкалтарошлигининг авангард ва постмодерн йўналишлари ўз аксини топган бўлиб, унда юртимизнинг машҳур ҳайкалтарош ва кулолларидан ташкил топган турли авлод вакиллари ўз асарлари билан иштирок этмоқдалар.

— Ўзбекистоннинг ҳайкалтарошлик санъатининг тарихи узоқ, — дейди санъатшунослик фанлари доктори Камола Акилова. – Ҳайкалтарошлик санъатининг янги парвози XX аср охирларида бошланди, бу даврда унинг ривожланишида қатор босқичлар юз бериб, ҳайкалтарошликнинг миллий мактаби шаклланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, ҳайкалтарошлик санъати янги ижодий ютуқларни қўлга киритди. Буни ҳайкалтарошларнинг эркин изланишлари, янги номларнинг пайдо бўлиши, ижодий онгнинг озодлиги каби кўринишларда яққол сезиш мумкин. Бу эса ўз ўрнида мамлакатимизнинг ҳайкалтарошлиги ривожи, шунингдек, дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг ҳам мукаммаллик сари йўл олишига асос бўлиб хизмат қилди. «Шакллар ва қирралар» деб ном олган мазкур кўргазмада юртимиз машҳур ҳайкалтарошларининг асарлари жамланган.

Дарҳақиқат, кўргазмага қўйилган ҳар бир асар томошабинда катта таассурот уйғотиб, унинг руҳиятига хуш кайфият бағишлайди.

Роберт Авакян, Альберт Овсепян, Марина Бородина, Тўлаган Тожихўжаев, Назира Қўзибоева, Улаш Ураков, Қурбон Норхўрозов, Василий Попов сингари кўплаб машҳур ҳайкалтарошларнинг асарларидан ташкил топган кўргазма барчага манзур бўлмоқда.

**Гули ЧЕҲРА**

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур**

### ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

**Гап уқмасга панд юқмас.**

* * *

**Ўзига ишонмаганни хоҳлаган кўйга солса бўлади.**

* * *

**Ўзига қанчалик юқори баҳо беришига қараб ҳам кишининг нодонлик даражасини билса бўлади.**

* * *

**Бахт тахтдан афзал.**

* * *

**Бировнинг ёрдами мувaққат.**

* * *

**Жозибасиз гўзаллик совуқдир.**

* * *

**Давлат осмондан ҳам тушиши мумкин, лекин шуҳратга меҳнат билан эришилади.**

* * *

**Шубҳа-гумоннинг илдизи қўрқувда.**

* * *

**Товламачининг табиаси янги товламачилигидир.**

* * *

**Бу дунёда бир куни келиб фош бўлмаган сир йўқ.**

* * *

**Ўзининг фойдасига қолганда ҳеч ким бировнинг маслаҳатига муҳтож эмас.**

* * *

**Кўнгил ҳеч қачон тўлмайди.**

* * *

**Энг оддий ҳақиқатга етиш учун ҳам баъзида узоқ йўл босишга тўғри келади.**

* * *

**Кўнгли юмшоқ киши учун ҳаёт қаттиқ.**

* * *

**Инсоннинг энг эзгу орзуси ҳеч қачон амалга ошмаган.**

* * *

**Доно сўзини зое қилмайди.**

* * *

**Бировдан айб излашнинг ўзи айб.**

* * *

**Ёмон кайфият билан яхши иш қилиб бўлмайди.**

* * *

**Гап ўтади, иш қолади.**

* * *

**Бировдан қизғанганинг кўпинча ўзингга ҳам буюрмайди.**

* * *

**Бахилнинг моли бировники.**

* * *

**Умид – бахт калити.**

* * *

**Узун тил умр эгови.**

* * *

**Бошингда ота-онанг борми, бахтсизман дейишга ҳаққинг йўқ.**

* * *

**Ҳар қандай ёмон одамда ҳам қандайдир яхши фазилатлар бўлади.**

* * *

**Бахтнинг ҳам қаноти бор.**

* * *

**Кўнглингга келганини эмас, қўлингдан келганини қил.**

* * *

**Бирни биров берса, мингни меҳнат беради.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

## МАВСУМ ТАДБИРЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

***Бу йилги қиш мавсуми ўтган йилга нисбатан анча серёғин келди. Шубҳасиз, жорий йил обиҳаётнинг сероб бўлиши – халқимизга она-табиатнинг нодир инъоми, мўл-кўлчиликдан далолат, десак ҳам бўлади.***

Бироқ гўзал фаслнинг ўзига хос ташвишлари ҳам мавжудки, бу ҳар бир кишини олдиндан тайёргарлик кўришга ундамасдан қолмайди. Негаки, ёғингарчилик меъёридан кўпроқ бўлган тақдирда ёмғир сувлари ариқ ва каналларнинг сувига қўшилиб, тўпланган маиший чиқиндилар тиқин ҳосил қилиб, қирғоғидан тошиб кетган сувлар атроф-муҳитни ифлослантириб, нохуш манзарани вужудга келтириши мумкин. Бундан ташқари, нафақат ариқ ва каналлар яқинида қурилган турар-жой бинолари, балки шу атрофда фаолият кўрсатаётган корхоналарга ҳам жиддий хавф солиши, моддий зарар етказиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бу борада Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2011 йил 31 декабрдаги «2012 йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида Тошкент шаҳри бўйича сув тошқини хавфининг олдини олишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ, «2012 йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи сувларни хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш ҳамда сув тошқини хавфининг олдини олиш бўйича шаҳар комиссиясининг йиғилиши ўтказилиб, тадбирда 2012 йилдаги асосий устувор вазифалар кўлами ва кечиктирмай амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бинобарин, шаҳримиздаги ариқ, зовурлар ҳамда каналларнинг қирғоқлари тозаланди.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, ИИББ экология ва тозаликни назорат қилиш батальони ва туман ҳокимликлари масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, улар томонидан Тошкент шаҳар Сув хўжалиги бошқармаси тасарруфидаги 37 та канал, Бўзсув ирригация тизими бошқармаси тасарруфидаги 14 та канал, Ирригация хўжалиги ва кўкаламзорлаштириш объектларини таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармасига қарашли 51 та канал, Гидрогеология-мелиоратив экспедициясига оид 3 та (коллектор) каналлари қирғоқларининг мустаҳкамлиги ва тозалиги борасида олиб борилаётган ишлар текшириб чиқилди. Текширув натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга кўрсатмалар берилди.

Ҳозирда тошқин, сел, қор кўчишлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан пойтахт ҳудудида қатор муҳофаза тадбирлари давом этмоқда.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи подполковник Бахтиёр Раҳмонқулов бошчилигида бошқарманинг ҳарбий хизматчилари билан Бўзсув ирригация тизими бошқармасига қарашли Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи «Салар», «Баратхўжа» ва «Толариқ» каналлари тозалиги ва қирғоқларнинг мустаҳкамлиги юзасидан олиб борилаётган ишлар текширувдан ўтказилди.

Айни пайтда пойтахтнинг бошқа туманлари ҳудудидан оқиб ўтадиган бошқа ариқ ҳамда каналларни тозалаш, сувларни ўтказиб юбориш ва бошқа профилактик тадбирлар белгиланган режа асосида давом эттирилмоқда.

**Элдор ОРИПОВ,**
**Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари подполковник.**
**Азамат СУЮНОВ,**
**журналист**

***Эрта баҳорда, яъни, Наврўз кунларида сумалак, кўк сомса каби кўклам таомларидан тўйиб истеъмол қилиш керак. Улар энг қувватбахш неъматлар ҳисобланади. Баҳорий таомларни ўзингиз ҳам тайёрлаб кўришингиз мумкин.***

**Баҳорги таомнома**

## ТАНГА ДАРМОН БАҒИШЛАЙДИ

### СУМАЛАК

Буғдой тозаланиб, илиқ сув билан ювилади. Ювилган буғдой сирли идишга солиниб, бир кун ивитиб қўйилади. Буғдой сал ниш ургач, тоза фанер ёки плёнка солинган, қуёш нури тушмайдиган жойга ёйилади. Дон ёйилган хона ҳарорати бир хил, яъни, иссиқ ҳам, совуқ ҳам бўлмаслиги керак. Ҳар куни масалликқа маълум миқдорда сув сепиб турилади. Икки-уч кундан сўнг буғдой кўм-кўк майса бўлиб, бир текис униб чиқади. Майсалар игна бўйи бўлганда, уни бўлакларга бўлиб, ёйилган жойидан ажратиб олинади. Кейин гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Устидан сув қуйиб, аралаштирилади.

Сўнгра шарбати докада сузилади. Ҳосил бўлган сутсимон суюқликдан уч марта шарбат олинади. Катта қозонга солиб қиздирилган пахта ёғи доғланиб совутилади. Даставвал сузилган шарбат қуйилади, кетидан буғдой уни элакда ёйиб солинади. Яхшилаб омухта қилинган суюқлик баланд оловда қайнатилади. Қайнаб чиққанидан сўнг, иккинчи сузилган шарбат қуйилади. Бу ҳам қайнагач, учинчи сузилган шарбат қуйилиб, баланд оловда қайнатилади. Қайнаб чиққанидан сўнг олов бироз пасайтирилади. Бир маромда қайнайверади.

Аёллар кетма-кет 3-4 та капгирда қозонни кавлаб туришади, тагига олмаслиги учун қозонга 20-30 дона ёнғоқ ёки майда тош солинади ва бетўхтов аралаштирилади. Сумалак тўхтовсиз қайнаб туриши керак.

Сумалак 10-12 саот қайнатилади, қайнатиш давомида сув қуйиб турилади. Сумалакнинг ранги тўқ жигарранг бўлиб қуюқлашганда етилган ҳисобланади. Қозоннинг олови олиниб, устига қопқоқ ёпилади. Мато билан ўралади ҳамда 5-6 соат димлаб қўйилади. Димланиш муддати тугаганидан сўнг қозоннинг усти очилади ҳамда тановул қилиш учун тарқатилади.

Қопқоқ ёши улуғ кишилар томонидан очилади. Энг ҳайратланарли воқеа қопқоқ кўтарилганида кузатилади. Сумалакнинг юза қисмида одамни таажжубга соладиган қуёш, гул, қўл, қуш сингари шаклларни кўрасиз. Бунинг замирида шундай ҳикмат яширинки, сумалак илоҳий неъмат бўлгани боис, қопқоқ кўтарилган паллада фаришталар таомнинг юза қисмига чиройли шакллар солиб кетишар экан.

Кўпчиликка сумалак тайёрлаш учун бир қоп (50 кг.) ун, 20 килограмм буғдой, 5 кг. пахта ёғи керак бўлади.

### КЎКАТЛИ СОМСА

Кўкатли сомса тайёрлашда масаллиқ гулқоқи, исмалоқ, қўзиқулоқ, мачин, пиёз, отқулоқ, шивит каби баҳорий кўкатлардан фойдаланилади.Тандир оташида пишадиган ушбу таом инсон организми учун қувватбахшдир.У дармон бағишловчи, қабзиятдан ҳоли этувчи, кўзни равшанлантирувчи, ҳомиланинг яхши ривожланишига ёрдам берувчи, қонни маълум даражада суюлтирувчи, хафақон исканжасидан қутулишга мойиллик яратувчи хусусиятларга эгадир.

Кўкатли сомса таркиби бошқа таом турларидан анча фарқ қилади. Бу таомда ҳаётбахш омиллар, фойдали маъдан тузлари, зарур дармондорилар миқдори жуда юқори бўлади.

### «БАҲОР» ШИРИНЛИГИ

Керакли масалликлар: олти дона тухум, 300 гр. сариёғ, 350 гр. қуюлтирилган сут, бир дона плиткали шоколад, 1 стакан шакар, 100 гр. сметана, ярим пиёла ёнғоқ, 5 ош қошиқ какао, бир ош қошиқда кабартма, бир чой қошиқда ванилин.

Кремига: бир пиёла қаймоққа бир пиёла шакар солиб, яхшилаб аралаштирасиз ва музлаткичга бир соат давомида қўясиз.

Тайёрланиши: Тухум оқини миксерда кўпиртирасиз ва унга оз-оздан шакар, кейин бирин-кетин бир дона тухум сариғини, сметана, сариёғ, кабартма, ванилин, какаони қўшиб, кўпиртиришда давом этасиз. Сўнг ун солиб, қошиқ ёрдамида аралаштирасиз. Суюқ хамир ҳосил бўлгач, патнисга қуясиз ва 30 дақиқа давомида духовкада пиширасиз.

Пишган ширинликни олиб, ўртасидан тенг иккига бўлиб кесасиз. Бирига қуюлтирилган сутдан суртасиз. Устига иккинчи бисквитни қўйиб, устига яна қуюлтирилган сутдан суртасиз. Кейин шоколадни эритиб, бисквитлар устидан асталик билан қўйиб чиқасиз.

Тайёр бўлган ширинликни пичоқ ёрдамида катта тўртбурчак қилиб кесасиз ва ҳар бирининг ўртасига бир бўлак ёнғоқдан қўйиб чиқасиз. Сўнг ёнғоқлар усти ва ширинлик четларини крем билан безайсиз.

**Назокат ЖАЛИЛОВА тайёрлади**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида* ***3 апрель*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12 даража илиқ, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,* ***3 апрелда*** *Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 441
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9701 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ